

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАХМОНОВ ФАРХОД РАХМОНОВИЧ**

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРИ ҚЎШМА  
ЖАРОҲАТЛАРИ АСОРАТЛАРИНИ РЕАБИЛИТАЦИОН ВА  
ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.21. – Стоматология  
14.00.12 – Тиббий реабилитология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук(DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)**

**Абдурахмонов Фарход Рахмонович**

Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатлари  
асоратларини реабилитацион ва профилактик чора-тадбирларини  
ишлаб чиқиш..... 3

**Абдурахмонов Фарход Рахмонович**

Разработка реабилитационных и профилактических мер  
при осложнениях сочетанных повреждений мягких тканей  
челюстно-лицевой области..... 25

**Abdurakhmonov Farkhod Rakhmonovich**

Development of rehabilitation and preventive measures  
for complications of combined soft tissues injuries  
of maxillofacial region ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 50

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАХМОНОВ ФАРХОД РАХМОНОВИЧ**

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРИ ҚЎШМА  
ЖАРОҲАТЛАРИ АСОРАТЛАРИНИ РЕАБИЛИТАЦИОН ВА  
ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.21. – Стоматология  
14.00.12 – Тиббий реабилитология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктор (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.2.DSc/Tib960 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Боймуродов Шухрат Абдужалилович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ризаев Жасур Алимджанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдувакилов Жаҳонгир Убайдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Усмонходжаева Адибахон Амирсайдовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шукпаров Асылбек Баядилович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қозон давлат тиббиёт университети  
(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.17.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2026 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: [sammu@sammu.uz](mailto:sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366)).

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2026 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.С. Кубаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**С.Э. Мамаражабов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда қўшма жароҳатлар инсон ўлимига сабаб бўлиши бўйича юрак-қон томир ва ўсма касалликлардан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. «...Сўнгги йилларда саноат, қурилиш ва транспорт воситаларининг шиддат билан ривожланиши юз-жағ соҳаси жароҳатлари ва уларнинг асоратлари сонининг ошиши каби муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда...»<sup>1</sup>. Қўшма жароҳатларда юз юмшоқ тўқималар билан биргаликда калла-бош мия соҳаси ҳам зарарланиши мумкин. Натижада жароҳатланган беморларда мураккаб клиник белгилар билан биргаликда шикастланишдан кейинги юзнинг функционал ва косметик нуқсонларини ривожланишига олиб келадиган асоратлар юзага келиши мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, жароҳатланиш оқибатида ҳар йили меҳнатга лаёқатли шахслар орасида 300 минг киши вафот этади, 7 миллиондан ортиқ инсон ногирон бўлиб қолади ва жароҳатлар сабабли турли асоратлар келиб чиқади, бу эса мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Жаҳонда юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатлари ва уларни ташхислаш, даволашнинг анъанавий ва замонавий усуллари, иммунологик омилларини аниқлашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо айнан юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларини (ЮЖСЮТҚЖ) олдиндан башоратлаш ва уларни реабилитация қилиш борасидаги илмий тадқиқотлар деярли учрамайди. Шу сабабли бу борада юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатлари оқибатида юзага келадиган йиринглаш, чандиқлар ҳосил бўлиши каби асоратларини олдиндан башоратлаш ва уларни олдини олиш, шунингдек бу касалликни комплекс даволаш масалалари ҳозирги кунда тўлиқ ечими топилмаганлигини инобатга олиб, самарали даволаш тартибини амалиётга тадбиқ қилиш чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Беморларда жароҳатдан кейинги меҳнат қобилиятининг камайиши, стресс, психоэмоционал зўриқишлар ва маҳаллий соҳада юз юмшоқ тўқималари ҳолатидаги салбий ўзгаришларни юзага келиши даволашнинг замонавий усуллари такомиллаштириш заруриятини талаб қилади.

Мамлакатимизда бугунги кунда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида шикастланиш оқибатларини камайтириш ва асоратларини олдини олишга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...Давлатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий

---

<sup>1</sup> Боймуродов Ш.А. Совершенствование диагностики и лечения больных с сочетанными травмами костей лицевого скелета. // дисс. д.м.н.: специальность 14.00.21 «Стоматология»/ 2014 - 109-132 с.

қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида ЮЖСЮТҚЖ асоратларининг ташхисоти, профилактик ва реабилитацион чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, шунингдек, замонавий тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ва унинг сифатини оширишда замонавий технологияларни қўллаш орқали касаллик асоратлари натижасидаги юзага келадиган нуқсонлар ва ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари билан тасдиқланган вазифаларни бажаришга, 2020-йил 7 апрелда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Инновацион фаолият тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва 2020 йил 19 июнда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Бугунги кунга қадар юз-жағ соҳаси кўшма жароҳатлари мавжуд беморларни янги инновацион даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш билан тизимли патологияларни ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: Harvard Medical School (АҚШ), Стенфорд университети (АҚШ), Окленд университети Миллий маркази (Янги Зеландия), Сан-Рафаэл илмий институтининг тизимли патология кафедраси (Италия), Империял клиникаси (Лондон), Калифорния институти Дэвид Геффен номидаги тиббиёт мактаби (Лос-Анжелес), Лондон гигиена ва тропик тиббиёт мактаби (Буюк Британия), Ройал Бромптон и Хэрфилд NHS Траст фонди (Буюк Британия), Бутун Ҳиндистон тиббиёт фанлари институти (АИМС), Сингапур Миллий университети, Сеченов номидаги Россия университети (Россия Федерацияси), С.Д. Асфендияров номидаги ҚазНМУ (Қозоғистон), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш маркази, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт Кардиология маркази, Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон) ва бошқалар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.pku.edu.cn](http://www.pku.edu.cn), [www.qdu.edu.cn](http://www.qdu.edu.cn), [www.cgu.edu.tw](http://www.cgu.edu.tw), [www.usj.edu.lb](http://www.usj.edu.lb), [www.umed.wroc.pl](http://www.umed.wroc.pl), [www.ku.dk](http://www.ku.dk), [www.snu.ac.kr](http://www.snu.ac.kr), [www.yonsei.ac.kr](http://www.yonsei.ac.kr), [www.ngt.ndu.ac.jp](http://www.ngt.ndu.ac.jp), [www.unife.it](http://www.unife.it), [www.univaq.it](http://www.univaq.it), [www.unibs.it](http://www.unibs.it), [www.udea.edu.co](http://www.udea.edu.co), [www.otago.ac.nz](http://www.otago.ac.nz), [www.iau.ac.ir](http://www.iau.ac.ir), [www.manchester.ac.uk](http://www.manchester.ac.uk), [www.sydney.edu.au](http://www.sydney.edu.au), [www.cu.edu.eg](http://www.cu.edu.eg); [www.uftrj.br](http://www.uftrj.br); [www.uva.nl](http://www.uva.nl).

### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Юз-жағ соҳаси ўсма касалликлари мавжуд беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитацион тадбирларни режалаштиришга тизимли ёндашув мавзусида яқинда ўтказилган тадқиқотлар юз-жағ соҳаси ўсма асоратларини реабилитация қилиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган (Кубаев А.С., 2023). Бундан ташқари болаларда учрайдиган термик жароҳатларда инфекцион асоратларни профилактикаси ва даволаш борасида (Мавлютов А.Т., 2020) илмий маълумотлар мавжуд. Аммо юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатлари асоратларини олдини олиш ва реабилитация усулларини такомиллаштириш борасида маълумотлар етарлича учрамайди.

Дунё миқёсида юз соҳаси юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш асоратларининг этиологияси, патогенези, уларнинг клиник кечиш жараёнларини башоратлаш, диагностик ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида бу касаллик келиб чиқишининг асосий омиллари оғиз бўшлиғидаги патологик микрофлора ҳамда жароҳатларнинг ҳажмига боғлиқлиги аниқланган (Department of Oral and Maxillofacial Surgery (France) J .Korean Assoc. Oral and Maxillofacial Surg Department of Oral and Maxillofacial Surgery (Brazil) (Department of Oral and Maxillofacial Surgery/Univesity of Kiel/Germany/Faculty of Medicine. Касаллик асоратларини даволаш ишлари давом эттирилишига қарамасдан, беморларда кузатилаётган асоратли жараёнлар уларнинг ҳаёт сифатини ёмонлашувига сабаб бўлмоқда (Боймуродов Ш.А 2022).

Шунингдек, бугунги кунда юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатлари ва уларнинг асоратлари бўлган беморларнинг клиник-диагностикаси асослари, даволашга илмий жиҳатдан ёндашувга қаратилган бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Шундай бўлсада, ЮЖСЮТҚЖларининг йиринглаши, чандикли деформацион асоратларининг самарадор даволаш усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг юқоридагиасоратларини башоратлаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақоза этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг №011900258 сонли “Юз-жағ соҳаси жароҳатлари, нуқсонлари, деформациялари ва яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш” илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2019-2023 йй)

**Тадқиқотнинг мақсади** юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатлари асоратларининг профилактик ва реабилитацион чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг кўшма жароҳатлари асоратлари турлари ва учраш частотасини жароҳатларнинг хусусияти, келтириб чиқарувчи омилларни тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси асосида таҳлил қилиш;

юз соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатлари асоратларини информацион, ривожланиш хавф омиллари, яъни анамнестик, клиник, морфологик, лаборатор текширувларни танлаш ва инфракизил термометрия, ультратотовуш текширувларидан фойдаланиш ёрдамида башоратлаш усулларини ўрганиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатлари асоратларининг клиник функционал жиҳатлари ва атрофик, келоид ва гипертрофик чандиқларнинг етуклик даражасига қараб қиёсий морфологик хусусиятларини ўрганиш;

юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатлари, тўқима нуқсонларининг йиринглаш ва чандиқли деформацион асоратларини жарроҳлик, лазер нурлари ва ультрафонофорез ёрдамида профилактик ва реабилитацион алгоритмини ишлаб чиқиш;

юз юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларидан кейинги гипертрофик ва келоид чандиқларнинг клиник ва функционал жиҳатлари морфологик тадқиқотлари асосида диагностик ва CO<sub>2</sub> фракцион лазер ва чандиқларга қарши Силикон гели ёрдамида ультрафонофорез ёрдамида реабилитацион ва даволаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида 2022-2024 йиллар давомида юз-жағ соҳаси қўшма шикастланишлари билан даволанган 18 дан 59 ёшгача бўлган икки ёш гуруҳидаги 186 нафар беморлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳат асоратлари бўлган беморлар биопсия намуналари (чандиқ ва йирингли жароҳатлар), қон ҳамда фотосуратлар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, лаборатор, нурли диагностика (панорамали 3D, ортопантомограмма, КТ, МСКТ) антропометрик ўлчовлар ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ретроспектив таҳлиллар асосида юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатлари ҳамда уларнинг асоратларини кечиш хусусиятлари, учраш частотаси ва клиник белгиларининг намоён бўлиш жиҳатлари тизимли равишда баҳоланган, шунингдек, даволашнинг турли босқичларида кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг ҳажми ва сифати комплекс кўриб чиқилиб, уларнинг клиник самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланган;

беморлар контингенти орасида ўтказилган таҳлилий тадқиқотлар натижаларига кўра, юз-жағ соҳасининг қўшма жароҳатларида йиринглаш асоратлар кузатилиш частотаси 47,3% ни, чандиқли-деформацион асоратлар эса 39,8% ни ташкил этгани аниқланган, шунингдек мазкур кўрсаткичлар тўқима ва аъзолар нуқсонлари учраш суръатига (12,9%) нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги илмий жиҳатдан асосланган;

юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатларида шикастланиш оғирлиги, бош мия жароҳатлари мавжудлиги ва ёндош

касалликлар таҳлили асосида мазкур тоифадаги беморларда асоратларни олдиндан башорат қилишга қаратилган амалий прогнозлаш тизими ишлаб чиқилган;

клиник ва морфологик тадқиқотлар натижасида юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатларидан сўнг шаклланадиган чандиқ тўқималарининг етуклик даражаси, морфологик турлари ва таркибий хусусиятлари аниқланган, жумладан, остеокластлар фаоллиги, яллиғланиш жараёни, неоангиогенез реакциялари ҳамда келоид чандиқларда I, III ва IV - тип коллагенлар нисбатининг турлича эканлиги илмий жиҳатдан асосланган;

юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларининг йиринглаш асоратларида озон терапияси ва паст интенсивликдаги лазер нурланиши асосида олиб борилган реабилитация самарадорлиги клиник кўрсаткичлари жароҳатларнинг битиш жараёнида шишнинг камайиши, перифокал чандиқ тўқималарининг силлиқланиши, оғриқ синдромининг сезиларли даражада пасайиши ҳамда юз мушаклари ҳаракатчанлигининг тикланиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юз-жағ соҳасидаги юмшоқ тўқималарнинг жароҳатлари мавжуд беморларда инфрақизил термометрия ёрдамида юзага келиши мумкин бўлган жароҳатларни йиринглаш асоратларини олдиндан башоратланишга имконият яратилган;

бирламчи ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш босқичида диагностик хато-камчиликлар ва беморларнинг клиник ҳолатига асосан ЮЖСЮТҚЖлари асоратларининг прогностик ва профилактик тизими (саволнома, модели) ишлаб чиқилган;

беморларда юз соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларининг асоратларини озонотерапия, паст интенсивликдаги лазер нурлари билан даволаш усуллари амалиётга тадбиқ этилган;

шунингдек, юз соҳасидаги чандиқли деформацион асоратларини комплекс даволашда жарроҳлик усуллари билан биргаликда силикон гели ёрдамида ультрафонофорез қилиш ишлаб чиқилган;

юз соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларини динамикада асоратга учраш белгиларини олдиндан аниқлаш ва асоратларни профилактика қилиш усуллари жорий этилган;

жароҳат асоратларининг эрта белгилари, жумладан, шиш, қизариш ва газакланишларни инфрақизил термометрия ёрдамида аниқлаш ҳамда жароҳатларни йиринглаш ва қўпол чандиқлар пайдо бўлиши башоратланган;

тадқиқот натижалари асосида юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг асоратларини даволаш ва прогностик алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация натижаларининг ишончлилиги замонавий тиббий ускуналар, тадқиқот усулларида фойдаланиб олинган етарли ҳажмдаги клиник ва лаборатория маълумотлари, қўлга киритилган натижаларни статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш орқали тасдиқланган. Фойдаланилган усуллар белгиланган вазифаларга мувофиқ келади, хулосалар ва амалий тавсиялар тадқиқот натижаларига мантқан ва узвий боғлиқ.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, етарли ҳажмда клиник материал танлангани, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, ЮЖСЮТҚЖ асоратларни олдини олиш ва реабилитациясига қаратилган чора-тадбирларни бир-бирини ўзаро тўлдирувчи клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосида таҳлил қилишнинг ўзига хослиги, халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланиши, беморлар ҳаёт сифатининг яхшиланганлиги, юз соҳасидаги физиологик тўқималарнинг тикланганлиги, хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатлари асоратларининг клиник, лаборатор мезонларини аниқлаш, диагностик ва прогностик аҳамиятини тизимлаштириш ихтисослашган муассасаларда даволашнинг жарроҳлик ва реабилитацион босқичлари самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган клиник ва ижтимоий жиҳатлар асосида ЮЖСЮТҚЖ бўлган беморларда комплекс реабилитация тизими (моделли) ишлаб чиқилганлиги, реабилитациянинг турли босқичларида қўлланилган ультрафонофорез, лазеротерапия ва жарроҳлик усуллари самарали натижаларга эришиш имконини беради. Бу ўз навбатида, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронлик даражасини камайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 октябрдаги 26- сон хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* ретроспектив таҳлиллар асосида юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатлари ҳамда уларнинг асоратлари кечиш хусусиятлари, учраш частотаси ва клиник намоён бўлиш жиҳатлари тизимли равишда баҳоланган, шунингдек, жароҳатларни даволашнинг турли босқичларида кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг ҳажми ва сифати комплекс кўриб чиқилиб, уларнинг клиник самарадорлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган. *Илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси (2024 йил 20 ноябрдаги 52-сон) ва РИТ ва ОИАТМ Самарқанд филиалида (2023 йил 28 ноябрдаги 193-У-сон) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ЮЖСЮТҚЖ ва уларнинг асоратларининг даволаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ва хатолар сонини қисқартирилганлиги кутилажак йирингли яллиғланиш ва чандикли деформацион асоратларни олдиндан башоратлаш қўшимча жарроҳлик аралашуви билан боғлиқ бўлган стресс ва ноқулайликлар бартараф этилишига эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* жароҳат асоратлари мавжуд беморларни даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқарилиши натижасида 1 нафар беморга 1050 000 сўмга тежаш имкониятини яратган.

*иккинчи илмий янгилик:* беморлар контингенти орасида ўтказилган таҳлилий тадқиқотлар натижаларига кўра, юз-жағ соҳасининг қўшма жароҳатларида йирингли асоратлар учраш частотаси 47,3%, чандикли-деформацион асоратлар эса 39,8% ни ташкил этгани аниқланган ҳамда мазкур кўрсаткичлар тўқима ва аъзолар нуқсонлари учраш частотасига (12,9%) нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган. *Илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалий маълумотлар РИТ ва ОИАТМ Самарқанд филиали (2023 йил 28 ноярдаги 46-сон), РШТЎИМСФ (2024 йил 10 октябрдаги 193-У) ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси (2023 йил 20 ноярдаги 52-сон) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ЮЖСЮТҚЖлари ҳамда уларга боғлиқ ҳолда диагностик хато камчиликларни вақтида аниқлаш, самарадор даволаш усулларида фойдаланиш натижасида юзага келадиган асоратларнинг олдини олишга шароит яратилганлиги ва хасталикни самарали даволаш тизимини шакллантиришга асос бўлиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва меҳнатга лаёқатсизлик кунларини қисқартириш, ногиронликни олдини олишга асос бўлган. *Иқтисодий самарадорлиги:* озонотерапия, лазеротерапия ва чандикларга қарши дори воситаларини даволаш мезони сифатида тавсия этилганлиги беморларнинг шифохонада даволаниш ва меҳнатга лаёқатсизлик кунлари 1 нафар бемор ҳисобига 750 000 сўмга иқтисод қилинган.

*учинчи илмий янгилик:* юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатларида шикастланиш оғирлиги, бош мия жароҳатлари мавжудлиги ва ёндош касалликлар таҳлили асосида мазкур тоифадаги беморларда асоратларни олдиндан башорат қилишга қаратилган амалий прогнозлаш тизими ишлаб чиқилган. *Илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси (20.11.2024 й.; № 52), РИТ ва ОИАТМ Самарқанд филиали (28.11.2023 й.; № 46) ва РШТЎИМСФ (10.10.2024 й.; № 193-У) буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ЮЖСЮТҚЖлари чандикли деформацион асоратларида зарарланган тери кўриниши ва тери ости тўқималари, ҳаракат ва мимика мушакларининг сезги ва ҳаракатланиш функцияларини янги такомиллаштирилган усулга асосланган комплекс даволаш орқали беморларни эрта реабилитация қилишга олиб келган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ЮЖСЮТҚЖАларини эрта аниқлаш, текширувни такомиллаштириш, лазеротерапия ва ультрафонофорез каби самарали даволаш усуллариини ўз вақтида олиб бориш, келажакда даволаниш сарф-харажатларини тежашга имкон берган. Беморларда чандикли деформацияларни олдини олишдаги профилактика мақсадида қўлланилган Силикон гели учун 1 нафар бемор ҳисобига 1 350 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

*тўртинчи илмий янгилик:* клиник ва морфологик тадқиқотлар натижасида юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатларидан сўнг шаклланадиган чандик тўқималарининг етуклик даражаси, морфологик турлари ва таркибий хусусиятлари аниқланган, жумладан, остеокластлар

фаоллиги, яллиғланиш жараёни, неоангиогенез реакциялари ҳамда келоид чандиқларда I, II ва IV-тип коллагенлар нисбатининг турлича эканлиги илмий жиҳатдан асосланган. *Илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалий маълумотлар натижалари Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси (20.11.2024 йил, № 52), РИТ ва ОИАТМ Самарқанд филиали (28.11.2023 йил, № 46) ва РШТЁИМСФ (10.10.2024 йил, № 193-У) буйруқлари билан амалиётга тадбиқ этилган. Ижтимоий самарадорлиги: таклиф этилган прогностик, профилактик ва реабилитацион чора тадбирларни ишлаб чиқиш беморларнинг аҳволини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* 1 нафар беморнинг шифохонада қолиш муддатини 9,3 кундан 5,1 кунга (4 кунга) қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 750 000 сўмга камайтирган. Натижада профилактика кўрсаткичларини яхшилашга имкон бериб, ҳар бир бемор ҳисобига 1050 000 сўмгача маблағни тежаш имконини берган.

*бешинчи илмий янгилик:* юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари жароҳатларининг йирингли асоратларида озон терапияси ва паст интенсивликдаги лазер нурланиши асосида олиб борилган реабилитация самарадорлиги клиник кўрсаткичлар, жароҳат битиш жараёнида шишнинг камайиши, перифокал чандиқ тўқималарининг силлиқланиши, оғрик синдромининг сезиларли даражада пасайиши ҳамда юз мушаклари ҳаракатчанлигининг тикланиши аниқланган. *Илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси (20.11.2024 йил, № 52), РИТ ва ОИАТМ Самарқанд филиали (28.11.2023 йил, № 46) ва РШТЁИМСФ (10.10.2024 йил, № 193-У) буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Натижада беморларнинг рухий ва тиббий реабилитация ҳолатини ошириб уларнинг оиласи, касби ва келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга олиб келган. Иқтисодий самарадорлиги: ЮЖСЮТҚЖАларини етилган гипертрофик ва келоид чандиқларни комплекс даволаш етилмаган чандиқли тўқималарни даволашга нисбатан иқтисодий тежамкорликка олиб келган. Бу эса ҳар бир беморга 950 000 сўм маблағни иқтисод қилиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, улардан 2 та халқаро, 3 та республика конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 24 та мақола, жумладан, 18 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 220 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асосланган, мақсад ва вазифалар аниқ кўрсатилган, текшириш объекти ва предмети ҳақида маълумотлар берилган, Ўзбекистон Республикасининг илмий ва технологик ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари белгиланган, тадқиқот натижаларини амалий ва илмий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларига оид янгиликлар, мавзу бўйича нашр этилган мақолалар ва диссертация тузилмаси, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва амалиётга жорий хулосаларига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатлари асоратларининг диагностикаси ва даволаш усуллариининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатлари асоратлари мавзусидаги адабиётлар шарҳи келтирилган, асосий эътибор терминология, касалликнинг тарқалиши, ташхислаш усуллари, даволаш, профилактика ва реабилитация қилиш сингари муҳим масалаларга қаратилган. Шунингдек, жароҳат асоратларининг турли жиҳатларига бағишланган замонавий ёндашув ва тадқиқотлар кўриб чиқилган, ташхислаш ва даволаш сифатини янада оширишга хизмат қиладиган йўналишлар таклиф этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва текширув усуллари”** номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи келтирилган, шунингдек, фойдаланилган тадқиқот усуллари батафсил ёритилган. Тадқиқотга Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва РИТ ва ОИАТМ Самарқанд филиалларида 2012-2024-йиллар оралиғида даволанган 18 ёшдан 59 ёшгача бўлган 186 нафар беморлар танлаб олинган. Беморларнинг 101 нафарини эркаклар ва 85 нафарини аёллар ташкил қилган.

Барча беморларга клиник-лаборатор, биокимёвий, инструментал, нурли диагностика, ультратовуш таҳлили, инфрақизил термометрия, заруриятга қараб магнит-резонанс ва мультиспирал компьютер томография каби текширув усуллари ўтказилган. Бундан ташқари, беморларни терапевт, анестезиолог, ортодонт, оториноларинголог ва нейрожарроҳ каби мутахассислар кўриқдан ўтказган.

Тадқиқотда иштирок этган беморлар қуйидаги гуруҳларга тақсимланган: биринчи назорат гуруҳига (I-гуруҳ n=20) юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари билан анъанавий усулда даволанган беморлар; иккинчи А асосий гуруҳига (II-A асосий n=78) жароҳатларнинг йиринглаш асоратлари бўлган озон ва паст интенсивликдаги лазер нурлари билан даволанган беморлар;

иккинчи Б асосий гуруҳига (II-B асосий n=21) юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари нуқсонлари бўлган озон ва паст интенсивликдаги лазер нурлари билан даволанган беморлар;


иккинчи В асосий гуруҳига (II-V асосий n=67) юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари чандикли-деформацияси бўлган CO<sub>2</sub> фракцион лазер ва ультрафонофорез билан биргаликда комплекс даволанган беморлар киритилган.

**1-жадвал.**

**Текширилган беморлар гуруҳлар бўйича тақсимланиши, n=186**

	1- гуруҳ		2- А гуруҳ		2- Б гуруҳ		2-В гуруҳ	
	Мут.	%	Мут.	%	Мут.	%	Мут.	%
Эркаклар	18	90	47	60	12	57	29	43
Аёллар	2	10	31	49	9	43	38	57
Жами	20	10,8	78	41,9	21	11,3	67	36

Тадқиқотга киритилган барча беморларда жароҳат асоратлари келтириб чиқарувчи омиллар ва турлари таҳлил қилинганда 66 (35,8%) нафарида маиший, 48 (26,1%) нафарида муштлашувлар оқибатида, 58 (31,4%) нафарида автоҳалокатлар ва 13 (6,7%) нафарида эса спорт жароҳатлари ташкил этган. Ушбу ЮЖСЮТҚЖлари асоратларини умумий таҳлиliga келадиган бўлсак, барча тадқиқот гуруҳига киритилган 186 нафар беморнинг 88(47,3%) нафарида жароҳатлар йиринглаши, 74 (39,8%) нафарида чандикли деформация ва 24(12,9%) нафарида эса тўқима ва аъзолар нуқсонлари аниқланган.




*1-расм. ЮЖСЮТҚЖ асоратларининг учраш частотаси*

Диссертациянинг “Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг кўшма жароҳатлари асоратларининг ривожланиш механизмлари ва уларни келтириб чиқарувчи факторларини олдиндан башоратлаш“ деб номланган учинчи бобида юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг оғиз бўшлиғига тешиб ўтувчи, юз соҳаси табиий тешиклари - кўз, бурун ва бурун атрофи бўшлиқлари жароҳатлари, ЮЖСЮТҚЖларидан кейинги

чандиқларни ҳосил бўлиш механизмлари ва асоратларини башоратлаш ва у билан боғлиқ хавф гуруҳлари бирма-бир таҳлил қилинган

Ушбу беморлар ичида оғиз бўшлиғига тешиб кирувчи жароҳатларнинг миқдори 44 (46,8%), бурунга санчиб кирувчи жароҳатлар 26 (27,6%), бурун атроф бўшлиқлариги кирувчи 21 (22,3%) ва кўз орбитасига тушиб кирувчи жароҳатлар 3(3,2%) нафарни ташкил қилган.



**2-расм.** *Оғиз, бурун, бурун атрофи бўшлиқлари ва кўз орбитасига тешиб ўтувчи жароҳатлар нисбати*

Шунингдек, келоид чандиқлар кўпчилик ҳолларда жароҳатдан кейинги 3-12 ой ичида шаклланиши маълум бўлди. Келоид ва гипертрофик чандиқларнинг пайдо бўлишида улардаги морфологик жараёнларни ўрганиш давомида миофибробластлардан коллаген толаларнинг жадал равишда ишлаб чиқилиши оқибатида уларнинг тартибсиз жойлашувидан келлоид чандиқларнинг ривожланиши аниқланган. Коллаген толаларнинг қалинлиги, ҳажми динамикада таҳлил қилиб борилганда уларнинг тартибсиз бир-бирига ёпишиши оқибатида йўғонлашишига олиб келган. Бундан ташқари коллаген толалари атрофини эндотелиал хужайралар, эритроцитлар, тромбоцитлар эгаллаб, янгидан томирлар шаклланишига олиб келган. Шунингдек, касаллик оқибатида, катта ҳажмли жароҳатлардан кейин спонтан равишда ривожланади ва коллаген толаларнинг синтези 7-8 мартаба ошиб нотартиб жойлашуви сабабли юзага келади.

Асоратлар келтириб чиқарувчи омиллар таҳлил қилишда шифохонагача бўлган даврдаги диагностик хато ва камчиликлар кўрсатилган, тиббий ёрдамнинг бирламчи босқичда ва ихтисослашган бўлимларда олиб борилган тиббий ёрдамни самарадорлиги ўрганилиб, иккита репрезентатив худудлар асосида таҳлил қилинган.

2-жадвал

**Беморларнинг ЮЖСЮТҚЖлари билан шифохонага бирламчи муурожаат қилиш вақтлари таҳлили**

Муурожаат қилиш вақти	Беморларнинг яшаш жойлари					
	Самарқанд вилояти		Тошкент шаҳри ва вилояти		Жами	
	сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи
0-12 соат оралиғида	35	43,5	53	47,6	78	42,2
12-24 соат оралиғида	14	22,9	28	23,3	44	22,6
2-3 кун оралиғида	7	13,2	15	11,7	24	14,8
4-7 кун оралиғида	8	9,4	12	8,9	22	10,7
Узоқ вақт муурожаат қилмаган	6	11	8	8,5	18	9,7
	Хи-квадрат = 42,14; p = 0,000		Хи-квадрат = 57,53; p = 0,000		Хи-квадрат = 66,79; p = 0,000	
Жами	70	100	116	100	186	100
P	Хи-квадрат = 1,03; p = 0,91					

Бу орқали беморларнинг тиббиёт муассасаларига кечикиб муурожаат қилиши жароҳатлардан кейин асоратлар билан боғлиқлиги асосланган.

3-жадвал

**Хавф омиллари оқибатида келиб чиқадиган прогностик омилларнинг баллар ҳисобида таҳлили**

№	Хавф омиллари	баллар
1	Шифохонагача бўлган босқичда тиббий ёрдам кўламининг етарли бўлмаслиги	15 балл
2	ЮЖСЮТҚЖларини суяклар жарроҳлик усулида даволаш	15 балл
3	Ихтисослаштирилган ёрдамни кеч кўрсатилиши(кеч госпитализация)	14 балл
4	Шифохонагача бўлган босқичда диагностик хато-камчиликлар	11 балл
5	Бош мия жароҳатлари билан бирга келиши	11 балл
6	Тиббий интизомга риоя қилмаслиги	10 балл
7	Тиббий ёрдам олишдан 4 ва ундан ортиқ кун кечикиши	9 балл
8	Жароҳатларнинг қон кетиш,шок ва асфекция каби асоратларни мавжудлиги	7 балл
9	Синик чизиғида олинмаган тишларни мавжудлиги	6 балл
10	Юз суякларининг икки ва кўп сонли синишилари	5 балл
11	Ёндош касалликларнинг мавжудлиги	5 балл
12	Шифохонагача бўлган босқичда юз суяклари синиқларини вақтинча ёки доимий имобилизация қилинмаганлиги	5 балл
13	Анамнезида ЮЖС жароҳатларининг мавжудлиги	4 балл
14	Синган суяк парчаларининг силжиши	4 балл
15	Жароҳат вақтида мастлик ҳолатининг мавжудлиги	4 балл
16	Очиқ жароҳатлар ва гематомаларнинг мавжудлиги	3 балл
17	Беморнинг олис ҳудудларда истиқомат қилиши	3 балл
18	Жароҳат соҳасининг қон билан таъминланиши ва иннервациясидаги камчиликлар	3 балл

Мана шу диагностик ва кўрсатиладиган тиббий ёрдамдаги камчиликлар ушбу жароҳатларнинг асоратларини келиб чиқишига сабаб бўлган ва бу асосида ЮЖСЮТҚЖларининг асоратларини хавф гуруҳидаги баллар йиғиндисига асосан прогнозлаш мезонлари ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ:

35 баллардан кам бўлганда асоратлар келиб чиқиш эҳтимоли кам;

35-75 баллар оралиғи асоратлар келиб чиқиш эҳтимоли ўртача;

75 балл ва ундан юқорида асоратларни келиб чиқиши эҳтимоли юқори эканлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот натижалари бугунги кунда мавжуд бўлган ЮЖСЮТҚЖ бор беморларга диагностик ва тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш ҳолатидаги бир қатор муаммоларни аниқлашга имкон берган.

Диссертациянинг **“Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг кўшма жароҳат асоратларининг клиник-функционал ва морфологик хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида ЮЖСЮТҚЖи ва уларнинг асоратларининг умумий хусусиятлари, клиник кўриниши ҳамда юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатлардан кейинги чандикли деформацион тўқималарнинг морфологик ва гистологик параметрлари таҳлил қилиниб гипертрофик, атрофик ва келоид чандикларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

Тадқиқот давомида беморларда кузатилган клиник белгилар: умумий ҳолсизлик, бош оғриғи, кўнгил айланиш, жароҳат соҳасидаги оғриқ, шиш, оғиз очилишининг қийинлашуви, тишловнинг бузилиши, кўкариш каби симптомларнинг учраш частотаси таҳлил қилинган. Шунга асосан, беморларнинг қарийб барчасида умумий ҳолсизлик, жароҳат соҳасида оғриқ, шиш кузатилган, тишловнинг бузилиши, кўкариш каби бошқа белгилар нисбатан камроқ кузатилган.



**3-расм.** Беморларда умумий клиник белгиларнинг динамикада ўзгариши



**4-расм.** Беморларда маҳаллий белгиларнинг динамикада ўзгариши


Беморларда клиник белгиларни таққослаб таҳлил қилиш мақсадида умумий ва маҳаллий гуруҳларга ажратилган. Умумий клиник белгиларига умумий ҳолсизлик, бош оғриғи ва бош айланиши киритилган бўлса, маҳаллий белгиларга жароҳат соҳасида оғриқ, шиш ва гематомалар киритилган. Шунингдек, даволаш давомида юқоридаги клиник белгиларининг динамикада ўзгариши ҳам назорат қилиниб, таҳлил қилиб борилган.

Бундай ҳолларда беморларнинг жароҳат юзаси УТТ ва инфрақизил термометрия ёрдамида текширув ўтказилган, жароҳат бўшлиғида суюқлик борлиги, маҳаллий ҳароратнинг динамикада ўзгариши кузатиб борилган. Натижада, инфрақизил термометрия ЮЖСЮТҚЖлари иккиламчи битиши

(йиринглаш) каби асоратларининг клиникаси намоён бўлишидан олдинги белгиларини башоратлашга имконият яратган.


